40495

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1 апрель, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 64 (1066)

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***КИШИНЁВ. 31 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикасига ташрифининг иккинчи куни мамлакат парламентига ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбари бу ерда Молдова парламенти раиси П. Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида икки мамлакат парламентлариаро алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстликнинг, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда илмий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилганидан мамнуният изҳор этди. Эришилган аҳдномалар Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф ниҳоясида Ўзбекистон раҳбари ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегацияни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

## АЖИНИЁЗ ЮБИЛЕЙИ

Оролбўйида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 170 йиллик юбилейи Наврўз тантаналарига уланиб кетди. Нукусда байрам икки кун давом этди. Юбилей тантаналарида қатнашиш учун Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, қўшни Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидан меҳмонлар келди.

30 март куни эрталаб шоир номи билан аталувчи Нукус давлат педагогика институтида Ажиниёзга ўрнатилган бюст очилди. Қардошлик, севги-муҳаббат куйчиси бўлган сўз устасининг қайноқ шеърий сатрлари янгради. Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейида эса махсус кўргазма ташкил этилиб, бу ерда шоир тўғрисидаги ранг-баранг экспонатлар ўрин олди.

Тантаналарнинг иккинчи куни Нукусдаги Улуғбек ва Бердах ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Шундан кейин Қорақалпоғистоннинг энг хушманзара жойларидан бирида бунёд этилаётган Ажиниёз хиёбонига ниҳоллар ўтқазилди.

Нукусдаги санъат саройида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 170 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Б. Жуманиёзов очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилди.

Мажлис иштирокчиларига Қорақалпоғистон санъат усталари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ФАХРИЙЛАР УЧРАШУВИ




Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви, республика Журналистлар уюшмаси ҳамда Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб учрашув ўтказди.

Унда бутун умрини матбуот ишига бағишлаган журналистлар, — уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиёла чой устида дийдорлашдилар.

Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири Зиёд Есенбоев маъруза қилиб, у мамлакатимизда юртбошимизнинг фармонига кўра кенг нишонланаётган Ғалаба байрамининг аҳамияти, фахрийлар учрашувининг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Республика Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси, профессор Шабот Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари иттифоқининг кенгаши раиси Бектош Раҳимов йиғилганларни байрам билан қутлашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди.

## МИРЗАЧЎЛ «САРАТОН»И

Гулистонда «Лаззат» алкоголсиз ичимликлар заводининг биринчи навбати ишга тушди. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати концернига қарашли «Лаззат» фирмаси билан вилоят ҳокимлиги ўртасида тузилган шартномага асосан мазкур корхона 8 ойда қуриб битказилди. Ускуналар асосан чет эллардан келтирилган. Корхонанинг фойдаланишга топширилган 2 та линиясида соатига 24 минг шиша «Саратон», «Тархун», «Аранж» каби яхна ичимликлар ишлаб чиқарилади. Завод бир йилда 80 миллион шиша ичимлик ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонанинг тантанали очилиш маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ИНСОНГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Ер ости бойликлари — хазина изловчилар касб байрами арафасида (анъанага мувофиқ бу байрам апрель ойининг биринчи якшанба куни нишонланади) пойтахтдаги «Туркистон» саройида Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизими ходимларининг тантанали йиғилиши бўлди. Унда Тошкентдаги меҳнат жамоалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков геологларни Президент Ислом Каримов номидан байрам билан самимий табриклади. Байрам арафасида Президент Фармони билан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ташкилотларининг намуна кўрсатиб ишлаган ходимларига фахрли унвонлар берилди, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бу мукофотлар уларга тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар иқтисодиётнинг Ўзбекистон минерал — хомашё мустақиллигини таъминлаши лозим бўлган асосий тармоқларидан бирини ривожлантириш истиқболлари ва тармоқ ишини янада яхшилаш йўллари тўғрисида гапирдилар. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи чорагида фойдали қазилмаларнинг энг муҳим турлари — олтин, мис, вольфрам, литий, уран, табиий газ, нефт ва конденсат, чучук ва минерал сув захираларини ошириш бўйича давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилди. Йиғилишда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, республика ер ости бойликлари разведкачиларининг биринчи навбатдаги ва келгусидаги вазифалари ҳақида гапирилди.

Тантанали йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

Ўзбекистон санъат усталари тантанали йиғилиш иштирокчиларига катта байрам концерти намойиш этдилар.

**(ЎзА).**




## ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Ҳар баҳор апрель ойининг биринчи якшанбасида геологлар байрами нишонланади. Бу байрам улар учун ўзига яраша сарҳисобдир. Республикамиз геология соҳасининг кўп минг кишилик жамоаси қаторида гидрогеологлар ҳам ватанимизнинг минерал хомашё базасини шакллантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Улар республикамиз халқ хўжалигининг ер ости сувларига бўлган талабини қондириш, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида ер ости чучук сувларини излаш ва аниқлаш ишларида алоҳида жонбозлик қилиб келмоқдалар.***

Ҳозирги кунда республикамизда хўжалик-ичимлик сув таъминотига мўлжалланган 17 минг бурғи қудуғи мавжуд бўлиб, улардан суткасига 9 млн. метр куб, яъни бир киши учун суткасига 400 литр атрофида сув олинмоқда.

Гидрогеологлар томонидан хўжалик мақсадлари учун чучук ер ости сувларининг 9,3 млн. метр куб. захиралари, жумладан қишлоқ аҳолиси эҳтиёжи учун 2,1 млн, метр куб. сув манбаси аниқланган.

Шунга қарамай айрим туманларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Шу боисдан ҳам гидрогеологларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида чучук ер ости сувларини қидириб топиш ишларини янада кучайтириб юбордилар. Бундай тадқиқотлар республикамизнинг сув билан кам таъминланган туманларида, жумладан Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида кенг кўламда амалга оширилмоқда. Айниқса, тоғли ва тоғ олди ҳудудларида чучук ер ости сувларини қидириш ишларига алоҳида эътибор бериляпти, чунки бу ерлардаги кўпгина қишлоқ ва посёлкалар аҳолиси ташиб келтириладиган сувдан фойдаланишади.

Минерал сув манбалари республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган бўлсада, бугунги кунда улардан кам фойдаланилмоқда. 1980 йилгача аҳоли жон бошига йилига 2,9 шиша минерал сув тўғри келган. Унинг аксарият қисми Кавказдан («Боржоми», «Есентуки-17», «Нарзан» каби) сув конларидан келтириларди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзимизда топилган минерал сувларнинг заҳираси эвазига аҳолининг минерал сув истеъмол қилиш даражаси жон бошига 8 шишага етказилди. Шунингдек кейинги йилларда минерал ва шифобахш сувлар билан даволаш масканлари ва уларнинг тармоқлари ҳам кўпайди.

«Ўзбекгидрогеология» корхонасининг ГИДРОИНГЕО институти томонидан амалга оширилаётган илмий ишлар турли саноат чиқиндиларидан ва хомашёнинг ноанъанавий манбаларидан қимматбаҳо маҳсулотлар олиш технологияларни яратишга йўналтирилган. Институтнинг илмий ютуқларидан бири Наманган вилоятидаги минераллашган ер ости сувларидан йод ажратиб олиш қурилмасига жорий қилинди. Натижада, қурилма орқали кейинчалик бир йилда 10 тоннага яқин кристалли йод олинадиган бўлди. Бу билан республикамизнинг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Хуллас, гидрогеологларимиз амалга ошираётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Улар эришаётган ютуқлар мустақил юртимизга, унинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Р. НИЁЗОВ,**
**Р. ОЙБЕКОВ.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### МУАЛЛИМЛАР КЎРИГИ

***Қашқадарёда ижодкор ўқитувчиларнинг кўрик-танлови бўлди.***

Унда ғолиблар — Нишон туманидан Тўрақул Бобоназаров, ғузорлик Акмал Абдураҳмонов, қамашилик Ўрол Бойқобилов ғолиб топилиб, вилоят халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳига бепул йўлланмалар билан тақдирландилар.

### «ФАЙЗ»НИНГ ФАЙЗЛИ ИШЛАРИ



**Бухоро вилоятида ўзининг кўп қиррали фаолияти билан танилган «Файз» фермаси ишчилари минг туп мевали дарахтли боғ яратдилар. Унинг раҳбари Рустам Файзиев ва ферма ишчилари таъбига бир соҳага ихтисослашиш тўғри келмайди. Беш йилдан буён фаолият кўрсатаётган бу ферма қарамоғида 165 бош йирик шохли наслдор қорамол, қўйлар, паррандалар бор. Бу ёрда йилқичиликка ҳам асос солинди. Хўжаликнинг транспорт хизматини ана шу отлар бажаряпти. Ферма меҳнаткашлари 25 кишидан иборат. Улар ўтган йили 8 тонна гўшт, 338 тонна сут етиштириб, давлатга сотдилар. Эндиликда паррандачилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳалари ҳам ривожлантириляпти. Бир неча йилдан кейин улар яратган янги боғ ҳам мевага киради. Улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун лойиҳалар ҳам тайёрлаяптилар.**

**СУРАТДА: ферманинг ветеренария врачи Жамшид Нўъмонов.**

### ЎТМИШДАН СЎЙЛАЙДИ ТАРИХ

***Гулистонда мусаввир Абдували Нурхожиевнинг расмлар кўргазмаси очилди.***

Кўргазмага 100 га яқин тарихий мавзуларга ишланган расмлар, табиат манзаралари, уруш ва меҳнат фахрийлари портретлари сингари маҳорат билан ишланган расмлар қўйилган.

### «ЎША ЙИЛЛАРНИ ЭСЛАБ»

***Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақидаги асар чоп этилиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди.***

«Ўша йилларни эслаб» деб номланган янги китоб саҳифаларидан фахрийлар — Абдусамат ота Ботиров, Григорий Гладков, Кўчқор ака Қулмамбетов, Раиса Турдиева, Мамадали ота Турдиев каби турли миллат вакиллари ҳақидаги ҳикоя ва лавҳалар жой олган.

### МАРКАЗ КЎМАКЛАШАДИ

***Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида фан ва техника маркази ташкил этилди.***

Марказ вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини амалга оширишга кўмаклашади. Маҳаллий хомашё ресурслардан кенг фойдаланиш, илғор технологияларга асосланиб, фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришлар ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш каби масалалар билан шуғулланади.

### «СУХРОБ» ХАРИДОРЛАРГА МАЪҚУЛ



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Ўзбекистон замини моҳир ва истеъдодли кишилар меҳнати билан янада саховатли. Самарқанд туманинг «Сухроб» акционерлик жамияти усталари ноёб янги печлар ўрнатдилар.**

**— Бундай печлардан бизда 50 таси ўрнатилган. Ҳар бир печ қирқ минутда 120 та нон пишириш қувватига эга, — дейди корхона директори Шарофат Самадова. — Бу ускуналар ишлатиш учун қулайлиги билан бирга ёқилғини тежайди, узлуксиз ишлайди.**

**Айни кунда «Сухроб» корхонасининг макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари туман аҳолиси ўртасида жуда харидоргир. Ишлаб чиқаришдан олинаётган даромад корхона акционерларига моддий манфаатдорлик келтирмоқда.**

**Наврўз байрами арафасида туманнинг 8 та қишлоғида «Сухроб» корхонасининг кичик нонвойхоналари очилди.**

**СУРАТДА: корхонанинг уста ишчилари Маҳруба Жўрақулова ва Саодат Ғаниевалар макарон маҳсулоти тайёрлаяптилар.**

### СУВ КЕЛДИ

***Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи саҳро бағрида бунёд этилмоқда. Шунинг учун ҳам қурилиш учун сув жуда зарур. Яқинда завод қурилиши майдонига 6 километр масофада бетон ариқларда сув келтирилди.***

Энди бу ерда қад кўтараётган нефтчилар шаҳарчасига файз киради. Завод атрофида 30 гектар майдонга мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилади. Завод фойдаланишга топшириладиган кунда саҳро сўлим масканга айланади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР




*Сурхондарё вилоятининг чўл туманларида аввал ерни суғориб, сўнг чигит экилади. Бултур Қумқўрғон туманида эса уруғликни ернинг табиий намига ундириб олишга умид қилишди.*

*Йил қурғоқчилик келиб, май ойида ҳам тўлиқ кўчат олишнинг иложи бўлмади. Бу йил тумандаги 9 минг гектар ернинг ҳаммаси суғорилиб, чигит экилади.*

*9 март куни Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигининг Юсуф Раҳмонов бошлиқ бригадасида бўлиб ўтган туман пахтакорларининг кўргазмали семинар кенгашида ана шундай қарорга келинди. Шу куниёқ чигит экиш агрегатлари далаларга олиб чиқилди.*

*Ҳозир ишлар қизғин. Пахтакорлар апрель ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ, барча майдонларга барака уруғи қадаб олишини мўлжаллашмоқда. Вилоятнинг Жарқўрғон, Термиз, Ангор, туманларида ҳам чигит экиш бошлаб юборилди.*

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Баҳорнинг хайрли ташвишлари*

## ЧЎЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

***БАҲОРИСТОН — республикамизнинг жанубида ташкил этилган энг кенжа ва истиқболли туманлардан бири. Ҳудуди асосан чўл ва қумликлардан иборат.***

Кечагина сурув-сурув чорва моллари боқиб келинган яйловларда бугун маъмурчилик учун замин ҳозирланаётир, боғ-роғлар ташкил этилмоқда, пахта, дон, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Хуллас, инсоннинг ақл-заковати, яратувчилик меҳнати туфайли чўл чекинмоқда. Кейинги тўрт-беш йил мобайнида 200 гектар боғ, 155 гектар токзор барпо этилди.

Пахта — даштлик деҳқонларнинг асосий даромад манбаи бўлиб қолаётир. Чунки, чўлда қуёшнинг тафти ўткир, табиати пахта етиштиришга мос. Бу ерларда етиштирилган «оқ олтин»нинг толаси узун ва нафис бўлади. Бундай хомашёга эса хорижда ҳам, ўзимизда ҳам талаб катта.

Ўтган йили туманда 10 минг 400 гектар ерга пахта экилганди. Баҳор қулай келди. Лекин, ғўза айни ҳосилга кирган кезларда ҳаво ҳарорати ҳаддан ошиб кетди. Ғўза гул ташлаб юборди. Ҳосил мўлжалдагидан бир мунча кам бўлди. Аммо, режа уддаланди, ҳосилдорлик 21 центнер бўлди. Қўриқда ташкил топган «Чандир» ва «Олтин бошоқ» жамоа-ширкат хўжаликлари пахтакорлари ҳар гектар ердан 22-25 центнердан ҳосил кўтардилар.

— Чўлда деҳқончилик қилишнинг мураккаб ва нозик жиҳатлари бор, — дейди, туман ҳокимининг биринчи муовини Абрўй Роҳатов. — Ерларимиз тез етилади. Шунинг учун хўжаликларимизда бошқа жойларга нисбатан дала ишлари эрта бошланади. Шу кунларда ғалла экилган майдонларни бараналаш, майсаларни озиқлантириш билан бирга суғориш тармоқларини тартибга келтириш, ер текислаш, далаларга узоқ-яқин яйловлардан, қишлоқ хонадонларидан маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин бошлаб юборилди.

Қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизмлар кўкламги экиш мавсумига созланаяпти. Кейинги уч-тўрт йилда тракторлар ва бошқа турдаги механизмлар учун жуда оз миқдорда эҳтиёт қисмлар олинаётганига қарамасдан, механизаторлар, мутахассислар техниканинг бенуқсон юриб туришини таъминламоқдалар.

Илгари чопиқ ва ҳайдов тракторлари, озуқани ўриб-янчиб берадиган механизмлар дон комбайнларини таъмирлаш учун қўшни туманларнинг таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналарига юбориларди. Энди бундай юмушлар туманнинг ўзида бажарилмоқда.

Жумладан, тумандаги «Дўстлик» жамоа ширкат хўжалиги ана шундай қулайликка эга. Бу ерда токарлик, фрезерлик дастгоҳлари ишлатилиб, оддий қисмлардан тортиб, айрим мураккаб ускуналаргача таъмирланмоқда. Хўжаликда мавжуд 60 та чопиқ трактори, 80 та культиватор, 25 чигит экадиган сеялка ва бошқа баҳорги экин-тикин ишларида асқотадиган техника-механизмлар барвақт созлаб қўйилди. Мана шу ишларнинг ўзидан хўжалик бу йил қарийб 700 минг сўм тежаб қолди. Лекин туманнинг барча хўжаликларида ҳам бу ишлар кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Хусусан, туманнинг «Кўҳна фазли» жамоа-ширкат хўжалигида техника ва механизмларга эътибор жуда суст.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам айрим механизаторларнинг, ҳайдовчиларнинг ўзларига бириктирилган техника ва транспорт воситаларини уйларида сақлаётганликлари аниқланди ва зудлик билан хўжаликнинг техника ва транспорт воситалари, механизмлар бирма-бир рўйхатдан ўтказилди.

Уч тўрт йил илгари техника воситалари, механизмларни ҳисобдан чиқариш хўжаликларнинг қўлида эди, — дейди А. Роҳатов. — Ҳозир бундай бош-бошдоқликка чек қўйилди. Техника назорати бевосита туман ҳокимлиги ихтиёрига олинди. Туманимизда техника воситаларини, қишлоқ хўжалиги механизмларини имкони борича ҳисобдан чиқармаслик, уларни тиклаш ва созлашга катта эътибор беріляпти. Чунки, ҳозирги даврда битта трактор ёки машина олишнинг ўзи бўлмайди.

Баҳористоннинг навбатдаги баҳори бошланмоқда. Туман механизаторлари бу йилги мавсумга мавжуд 274 та чопиқ трактори, 114 та чигит экадиган сеялка, 343 культиватор, 75 та пушта оладиган механизм ва бошқа техника воситалари, механизмларнинг аксарият қисмини шай қилиб қўйганлар. Кузда кўтариладиган ҳосил чўғининг салмоғи ҳозирги тайёргарликларга, баҳорги экиш мавсумининг қай даражада ўтказилишига боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йил баҳористонликлар учун баракали йил бўлишига шубҳа қолмайди.

Туман «Деҳқонхизмат» уюшмасининг раиси Оғамамат Андаевнинг айтишича, хўжаликларнинг ҳаммасида чигит экиладиган майдонларда пушта олиб қўйилган. Бунинг қатор афзалликлари бор. Масалан, об-ҳавонинг қандай келишидан қатъий назар, пушта олинган майдонларда чигит чиришининг олди олинади, қатқалоқ бўлмайди. Суғориш учун жўяк олишга барҳам берилади.

Баҳористонлик деҳқонлар биринчи бўлиб, далаларга беда уруғи, эртаги сабзавот экиш тараддудида шайланиб турибтилар. Улар мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида барча соҳаларда яхши натижаларга эришиш, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига салмоқли ҳисса қўшиш ниятида меҳнат маромини хўжаликларнинг марказий устахоналаридан аста-секин экин майдонларига кўчирмоқдалар.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТУБ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИ

**Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XV қурултойидан кейинги мулоҳазалар**

***Табиийки, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар касаба уюшмаларининг хусусиятлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзгаришига олиб келди. Улар ҳам том маънода мустақил иш юрита бошладилар. Биринчи маротаба «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди.***

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида янги йўналиш пайдо бўлди. Улар чет эл мамлакатларининг касаба марказлари ва халқаро касаба ташкилотлари билан тенгма-тенг муносабатларни кенгайтирмоқдалар. 20 дан ортиқ мамлакат касаба уюшмалари билан мунтазам алоқа ўрнатилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг МДҲ мамлакатлари касаба марказлари билан биродарлик алоқалари доимий тус олди.

Мана шу қардошлик алоқаларининг натижалари қурултой очилиши чоғида яққол кўринди. Унинг ишида қатнашиш учун 13 мамлакатдан 17 делегация Тошкентга етиб келди. Давлат ва касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги бевосита ҳамкорлик тажрибалари уларни ғоят қизиқтирди. Қурултой мажлисларида ва юбилей тантаналарида сўзга чиққан меҳмонлар Ўзбекистон жамиятидаги барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, Ўзбекистон Президентининг бу борадаги сиёсатига юксак баҳо бердилар. Жумладан, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Эмилбек Абакиров шундай деди:

— Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ғоят кучли ва жипслашган жамоат ташкилотидир. Биз қардош Ўзбекистон ҳаётида юз бераётган чуқур ўзгаришларни мунтазам кузатиб бормоқдамиз. Бизни шу нарса қувонтириб, ҳайратга соладики, сизларда мустақил миллий, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, ижтимоий тузумни ўзгартириш, иқтисодий ислоҳотлар, бозор тизимига ўтиш чуқур ўйлаб, шошма-шошарликлар ва ҳовлиқишларсиз, ўз хусусиятингиз ва қиёфангизни, умумий тартиб, уюшқоқлик ва интизомни сақлаган ҳолда, халқнинг туб манфаатларига зарар етказмасдан амалга оширилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси дадил, изчил ва қатъият билан, энг муҳими, ташқаридан бирор бир тиқиштирувларсиз рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда вазият барқарор, умуман ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва собиқ шўро республикаларининг кўпчилигидагига қараганда тинч ва яхшироқ ҳаёт кечирилмоқда.

Бу ишларнинг ҳаммасида мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини тўғри белгилаб берган Президент Ислом Каримовнинг катта хизматлари яққол кўриниб турибди. Тажриба сиз танлаган йўл оқилона ва тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Бу мустақил тараққиёт йўлига ўтган бошқа мамлакатлар учун руҳлантирувчи намуна деб ҳисоблаймиз.

Бизларнинг уч қўшни мамлакатларимиз — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари қўшни халқлар, қардош халқлар тақдири учун ўзларининг юксак масъулиятларини ҳис этиб, Марказий Осиё минтақасида Ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаётганликлари ҳаммамизни чинакамига қувонтирмоқда.

Улар имзолашган ғоят муҳим ҳужжатлар жуда катта тарихий аҳамиятга молик бўлиб, мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларида янги давр очади, иқтисодиётни ривожлантиришга, сиёсий ва маданий маконни барқарор қилишга қудратли имкон беради.

Давлатларимиз бошлиқларининг бу хайрли интилишлари, бир-бирларини англаш ва бир-бирларига янада яқинлашиш иштиёқлари касаба уюшмалари томонидан тўла маъқулланиб, қатъий қўллаб-қувватланмоқда. Дарҳақиқат, куч-ғайратларни бирлаштириш, барқарорликни сақлаш орқалигина бизлар бугунги қийинчиликларни бартараф эта оламиз.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари шонли анъаналарга бой, — деди қурултойда табрик нутқи билан чиққан Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитаси аъзоси, нефть, кимё ва тиббиёт саноати ходимлари касаба уюшмаси раиси Лю Шоужен. — Ўтган ўн йиллик мобайнида Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг туб манфаатларини муҳофазалаш борасида самарали фаолият кўрсатдилар, шу тариқа ишчилар ва хизматчилар кенг оммасининг ишончини қозондилар.

Ўзбекистон Республикаси бизнинг дўстона қўшнимиздир, — деди сўзини давом эттириб меҳмон. Қадим-қадимлардан буён бизни машҳур Ипак йўли бирлаштириб келган. Кейинги йилларда ҳар икки мамлакат ҳукуматлари ва халқларининг биргаликдаги саъи-ҳаракатлари билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланмоқда. Ишончимиз комилки, янги ипак йўли халқларимизни янада жипслаштиради, дўстона алоқаларимиз яна ҳам кучайишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари ўз сафларида 7,5 миллионга яқин аъзони бирлаштириб турибди. Меҳнаткашлар, аҳоли кенг қатламларининг энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар муваффақиятини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўз фаолиятларини ижтимоий шерикчилик асосига қуриб, улар ўз аъзолари, барча фуқароларнинг туб манфаатларига хизмат қилмоқдалар.

Қурултойда таъкидландики, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар касаба уюшмалари иш усулллари ва услубларини ҳам янгилашни тақазо қилмоқда. Қурултойда ҳам, унга тайёргарликнинг барча босқичларида ҳам касаба уюшмалари янги Устави ва Ҳаракат дастурининг лойиҳалари кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинганлигининг боиси мана шунда. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан касаба уюшмалари фаолияти янги сифат босқичига кўтарилади, деб таъкидлашди нотиқлар.

Меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ишончли тарзда муҳофаза қилиш Федерация кенгаши, унинг раёсати фаолиятида бош йўналиш бўлиб қолди. Бозор муносабатлари шароити бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Улар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратишда ўз иштирокларига мана шу нуқтаи назардан ёндошдилар. Меҳнаткашларнинг ҳаётий манфааатларига дахлдор барча қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларини тайёрлаш, мутахассис нигоҳидан ўтказишда улар фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозиргача ишлаб чиқилган 160 га яқин қонун лойиҳаларида уларнинг нуқтаи назарлари ўз аксини топди. Бу лойиҳаларнинг 60 дан кўпроғи ҳозирдаёқ қонун мақомини олди.

Шу кунларда Федерация кенгаши ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш, энг кам истеъмол бюджети, энг кам иш ҳақи, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашда қатнашмоқдалар.

Айни пайтда қурултойда шу ҳолат ҳам эътироф этилдики, касаба ташкилотлари қабул қилинаётган қонунларни тушунтириш, уларга оғишмай амал қилиниши устидан жамоат назоратини рўёбга чиқаришда суст иштирок этмоқдалар. Қабул қилинаётган қонунлар изчил «ишлаши»дан касаба уюшмалари ниҳоятда манфаатдордирлар. Бунинг учун касаба фаолларининг ўзлари қонунларни яхши билиб олишлари, меҳнаткашлар манфаатларини охиригача қатъий туриб ҳимоя қилишлари керак. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, ҳисобот даврида жамоа шартномалари ва битимларнинг хусусиятлари кескин ўзгарди. Улар касаба ташкилотларининг қонуний ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг асосий воситаси, ижтимоий шерикчилик қоидаларини намоён этиш шаклларидан бирига айланди. Жамоа шартномалари ва битимлар касаба ташкилотлари билан бошқарув ҳамда хўжалик идоралари ўзаро ҳамкорлигининг барча босқичларини қамраб олади, энг муҳими, кескин ижтимоий муаммоларни битишув йўли билан ҳал этиш имконини яратади.

Ҳозирги пайтда меҳнат жамоаларида йилига 30 мингга яқин жамоа шартномалари амал қилаётир. Тармоқ касаба уюшмаларининг марказий қўмиталари тегишли республика давлат ва хўжалик идоралари билан тарихий битимлари тузаётирлар. Вазирлар Маҳкамаси билан Федерация кенгаши ҳар йилги бош битимлар асосида иш олиб борадилар.

Шартномалар ва битимлар йўли билан худудлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг маҳаллий имкониятларини ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, қўшимча имтиёзлар яратишга жалб этилаётганлигига доир ибратли мисоллар ҳам тилга олинди. Чунончи, Бухоро вилоятида ўқитувчилар, врачларнинг шаҳар транспортида юриш сарф-харажатлари маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланмоқда. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Ўзбекистон саноат-фуқаро қурилиш корпорацияси ва бошқа бир қатор ташкилотларда иш ҳақини белгилаш, меҳнат таътиллари, нафақага чиқиш чоғида қўшимча имтиёзлар белгиланган. Кўпгина касаба ташкилотлари фойдадан ижтимоий эҳтиёжлар учун маблағ ажратилишига эришмоқдалар.

Бироқ, бу борадаги камчиликлар ҳам эътибордан четда қолмади. Чунончи, кўпинча шартномалар аниқ, пишиқ-пухта тузилмайди, тадбиркорлик таркибларида шартнома асосида иш юритиш механизми ҳануз ишлаб чиқилмаган, битимлар ва шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш таъсирчан эмас. Нотиқлар томонларнинг ўзаро муносабатлари ва вазифаларини тартибга солувчи аниқ қонун асослари ва меъёрловчи ҳужжатларни қабул қилиш вақти етганлигини таъкидлашди.

Қурултойда иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқариш пасайиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳусусида ташвиш билан гапирилди. Бу ҳол касаба уюшмаларини ташвишга солмаслиги мумкин эмас, зеро меҳнаткашларнинг турмуш даражаси бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқ. Касаба ташкилотлари маъмурият билан биргаликда, мулк туридан қатъий назар, ишлаб чиқаришни ташкил этишда фаол иштирок этишлари лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Учинчидан, меҳнатга лаёқатли барча кишиларнинг иш билан бандлиги, бозор муносабатлари шароитида ишсизликнинг олдини олиш одамларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишда асосий муаммога айланди. Ҳозирги пайтда республикада ишга жойлаштириш ва ходимларни қайта тайёрлашнинг давлат хизмати барпо этилган. Уларнинг қуйи бўғинлари барча туманлар, шаҳарлар, вилоятларда иш олиб бормоқда. Касаба ташкилотлари улар билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиб, амалга оширишда қатнашмоқдалар. Қўшимча иш жойлари ташкил этилаяпти. Касбларга тайёрлаш курслари очилаяпти.

Бугунги вазиятлар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳам кескинлаштирмоқда. Мулк шаклининг ўзгариши, бир томондан, корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашуви, иккинчи томондан, хавфсизлик техникасига маблағ ажратишни камайтириб боришдан иборат ташвишли тамойилни келтириб чиқарди. Бундай «иқтисод қилиш» касаба уюшмаларида жиддий ташвиш туғдирмоқда. Айниқса, нефть ва газ саноати корхоналарида, деҳқончилик-саноат мажмуида, автомобиль транспорти ва қурилиш ташкилотларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида хавфсиз меҳнат шароитларини вужудга келтиришга эътибор суст. Хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, касб касалликларини камайтириш ва тугатиш, атроф табиий муҳитини ишончли муҳофаза қилиш имконини берувчи таъсирчан дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тезлатиш даркор. Қурултойда касаба уюшмаларининг жойлардаги техника нозирликлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Улар асосий ҳолларда бахтсиз ҳодисаларни қайд қилиб, тафсилотини ўрганиб чиқиш билан шуғулланадилар, холос. Уларнинг олдини олишга қаратилган изчил ва собитқадам иш олиб борилмайди.

Меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Касаба уюшмаларининг 20 та санаторийси, дам олиш уйи, 200 дан ортиқ санаторий-профилакторийларида ҳар йили 450 минг киши ўз соғлигини тиклаб олмоқда. Болаларни, айниқса, Орол бўйи болаларини соғломлаштириш ва дам олдиришга катта эътибор берилаётир. Ёзги оромгоҳлар ҳар мавсумда 500 мингга яқин ўсмирни ўз бағрига олмоқда.

Шу нарса таъкидландики, жуда катта молиявий қийинчиликларга қарамасдан бу ишларнинг ҳаммаси имтиёзли асосларда амалга оширилмоқда. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган фуқаролар, фахрийлар, ходимларнинг кам иш ҳақи олувчи табақаларига йўлланмалар бепул берилади.

Албатта, муаммолар оз эмас. Озиқ-овқатлар нархи кўтарилиши электр, газ ва бошқа воситаларга тўловларнинг ортиши, транспорт харажатларининг кўтарилиши оқибатида йўлланмалар қиймати ортиб бормоқда. Касаба уюшмалари Федерациясининг санаторий-курорт бирлашмаси ҳамон тадбиркорлик билан суст шуғулланмоқда, бозор механизмларидан фойдаланиб, қўшимча маблағ топиш йўлидан шахдам бормаётир. Санаторий курорт муассасаларини ривожлантириш мақсадида давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тезлаштириш даркор. Янги оромгоҳ масканлар барпо этилиши, бой минерал манбалар ва тиббий-иқлим шароитларидан инсон саломатлиги йўлида фойдаланишни кенгайтириш вақти келди. Дастур шифо масканларини моддий-техника ва молиявий таъминотини тўла қамраб олиши керак.

Касаба уюшмалари спорт мактабларида тарбияланган спортчилар Ватан шон-шарафини турли халқаро ва минтақавий мусобақаларда муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Афсуски, молиявий аҳволнинг ёмонлашуви оқибатида кейинги йилларда касаба ташкилотларининг спорт базаларида шуғулланаётган спортчиларнинг чорак қисми, спорт мактаблари ўқувчиларининг учдан бир қисми машғулотларга қатнаша олмаётир.

Касаба уюшмаларининг маданий-оқартув муассасаларида ҳам аҳвол шундай. Касаба клублари, маданият уйлари, кутубхоналари бирин-кетин ёпиляпти, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз фаолиятини тўхтатиб қўймоқда. Бу касаба ташкилотлари ишидаги қоплаб бўлмас йўқотишлардир. Олий Мажлис сессиясида ҳам, касаба фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда ҳам Президентимиз Ислом Каримов маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига алоҳида тўхталиб ўтганлиги бежиз эмас. Бозор муносабатларига ўтиш асносида одамларнинг маънавий қашшоқлашувига йўл қўйиб қўйсак, келажак бизни асло кечирмайди. Худди шу боис касаба ташкилотлари бу муассасаларни молиявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлларини топишлари керак.

Қурултой қатнашчилари касаба уюшмаларининг мулкий ва молиявий муаммоларини синчиклаб таҳлил қилиб чиқишди. Бу тушунарли, албатта. Молия интизомининг бўшашиб кетганлиги, маблағларни бошқариш сербўғин тус олганлиги оқибатида касаба уюшмаларининг маблағи сочилиб кетишига йўл қўйилмоқда. «Касаба банк» иши жиддий такомиллаштирилишга муҳтож. Банк фаолияти ва тижорат ишлари ҳисобига касаба уюшмалари молиявий имкониятларини кенгайтириш пайти келди. Тижорат таркиблари — «Меҳри нур», «Меско» ҳиссадорлик суғурта компаниялари, «Касабасервис» қўшма корхонаси ишларини фаоллаштириш керак.

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Матбуот ва ахборот шўъбаси.**

---

Оламда нима гап?

### ЯДРОВИЙ ҚУРОЛЛАРНИ ТАРҚАТМАСЛИККА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

***Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборак ташаббуси билан Яқин Шарқда ядровий қуролларни тарқатмаслик масаласига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Миср ядровий қуролларни тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномани имзолаш тўғрисидаги фикрини ўзгартирмайди, деди у журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан. Ушбу масалада Исроил ҳукумати билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда. У Исроил давлати мазкур шартномани имзоламаса-да, яқин икки йил ичида уни имзолаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши кераклигини таъкидлади.

### ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

***Франция ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашини Бурунди давлатидаги фуқаролар урушининг олдини олишда Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга чақирди.***

Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, Бурундида яшаётган француз фуқаролари зудлик билан эвакуация қилиниши керак. Айни пайтда ушбу мамлакатда Франциянинг 500 нафар фуқароси истиқомат қилади.

### НИЛЬС ПЕТЕРСЕННИНГ ФИКРИЧА...

***«Болтиқбўйи ҳудудида барқарор тинчлик бўлиши учун мазкур ҳудуддаги давлатлар бир неча йил ичида Европа Иттифоқига ва НАТО блокига қўшилиши керак». — Дания ташқи ишлар вазири Нильс Петерсен Вашингтонда АҚШ ва Европа дипломатларига шу фикрни билдирди.***

Данияда чиқадиган «Политикен» газетасининг хабар беришича, Нильс Петерсен, ўз мамлакати ана шу мақсаднинг амалга ошиши учун ҳаракат қилишини таъкидлаган.

### НАТИЖАНИ САЙЛОВ КЎРСАТАДИ

***Африка қитъасидаги 2,5 миллион аҳолига эга бўлган Бенин давлатида кўп партиялилик асосида парламент сайлови бўлиб ўтмоқда.***

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, мазкур сайлов натижалари, халқ кейинги пайтда мухолиф партиялар танқидига учраётган президент сиёсатини қай даражада қўллаб-қувватлашини ҳам кўрсатиб беради.

### БАНКЛАР САРМОЯЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

***Япониянинг йирик банкларидан бўлмиш «Мицубиси Гинко» ҳамда Токио банки ўз сармояларини бирлаштиришга аҳд қилди.***

Янги банкнинг номи «Токио-мицубиси гинко», деб аталадиган бўлди. Мазкур банкнинг умумий сармояси 44 триллион иенни (450 миллиард доллар атрофида) ташкил қилади.

### ТАБРИК

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича комиссияси Тожикистонга табрик мактуби йўллади.***

Мактубда Тожикистон жаҳондаги «Кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш ва тарқатишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенсия»нинг шартларини тўла бажарган йигирманчи мамлакат экани алоҳида қайд этилган.

### АМАЛИЙ ЁРДАМ

***Тожикистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Яқинда Тожикистон ҳукумати билан Европа Иттифоқи ўртасида янги битим имзоланди.***

Унда Европа Иттифоқининг мамлакатга 4,5 миллион ЭКЮ миқдорида қарз бериши ва кўплаб соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатиши қайд этилган.

---

*• Ҳуқуқий ислоҳот*

# ИЗЧИЛЛИК ВА УЙҒУНЛИК ДАРКОР

***Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон этилиши ва мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳуқуқий ислоҳотни амалга оширишни вазифа қилиб қўйди. Бу жараён қонунлар, қонун ости ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нафақат мазмунан янгилаш, балки мутлақо янги қонунлар ишлаб чиқилишини талаб қилади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолияти бу борада ғоят сермаҳсул ва самарали бўлди. Мамлакатимизда давлат мустақиллигини таъминловчи сиёсий ислоҳот муваффақиятли амалга оширилди.

Бозор иқтисодиёти тизимининг ҳуқуқий асослари деярли шакллантириб бўлинди. Бу борада халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ривожланган мамлакатлар қонун ҳужжатлари ўзига хос андоза вазифасини ўтади. Улардан ижодий фойдаланилди. Айни вақтда юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос, ўзига мос йўлни танлаб олди... Шу сабабли ҳам бошқаларга кўр-кўрона эргашиш, айнан нусха кўчиришдан фойдаланилмади. Худди шу сабабли ҳам ҳуқуқий ислоҳотда асосий оғирлик мамлакатимизнинг реал имкониятлари, шарт-шароитлари, урф одатлари ва анъаналарига мос келувчи тартиб ва меъёрларни шакллантириш соҳасига тушди.

Ҳуқуқий ислоҳот ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олгани сабабли уни амалга оширишга турли бўғинлардаги давлат тузилмалари ва муассасалари жалб этилди. Бу табиий зарурият бўлиб, маълум меъёрларни шу соҳанинг билимдонлари ва мутахассислари томонидан шакллантиришни ва тўғри ечимларни ишлаб чиқишни таъминловчи омил бўлди. Бироқ бу ҳолат ҳуқуқий ислоҳотда изчиллик ва уйғунликни, айрим жузъий бузишларни келтириб чиқарди. Бу «маҳкама ҳуқуқ ижодкорлигига» илгаритдан хос бўлган нуқсон — ўз манфаатларини алоҳида, имтиёзли равишда мустаҳкамлаб қўйишга интилиш оқибатидир. Масалан, 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ҳаво кодекси»да мамлакат ичкарисидаги ташишларда ҳуқуқи бузилган ёки зарар етказилган шахс ҳуқуқларини тиклаш ва зарарларни ундириш бўйича талаб қўйишда қисқартирилган муддатлар белгиланган ва бинобарин, бу авиация корхонасининг ўзига хос имтиёзли ҳолатини мустаҳкамлайди. Етказилган зарарни ундириш миқдори ҳам йўқолган ёки камомад қилинган юкнинг эълон қилинган қиймат миқдорида белгиланган. Бунинг устига юк ташувчи эълон қилинган қийматдан юқорилигини исботласа ҳақиқий қиймат миқдорида зарарни тўлайди, акс ҳолда эса бундай қоида йўқ. Ҳолбуки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (231-м) етказилган зарар ҳар доим тўла ҳажмда тўланиши шартлиги кўрсатилган. Бундай зиддиятлар баъзи қонунларда ҳам афсуски, мавжуд. 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» Қонун муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга тааллуқли эмас. (2-м), деб кўрсатилгани ҳолда ЭҲМ учун дастурга муаллифлик ҳуқуқи (31-модда) ва мулкий ҳуқуқ (32-модда) ҳақида меъёрларини белгилайди. Ҳолбуки бу масалалар бутун дунёда — интеллектуал мулк бўйича халқаро конвенцияларда ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган ГАТТ (савдо ва тарифлар ҳақида бош битим) ҳужжатларида ҳам муаллифлик ҳуқуқи таъсири доирасида бўлиши аллақачонлар белгилаб қўйилган ва барча ривожланган давлатлар қонунлари шунга мос келади. Тўғри, юқоридаги нуқсон 1994 йил 6 майда қабул қилинган электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотли базаларнинг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши билан тузатилгандек бўлди. ЭҲМ учун дастурлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар яна муаллифлик ҳуқуқи таъсири доирасига киритилди. Бироқ ҳозиргача Ахборотлаштириш ҳақидаги қонунга ўзгартиришлар киритилгани йўқ. Бинобарин, ҳозирги кунда бу қонуннинг 31, 32-моддалари, ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги Қонуннинг 4, 8-моддалари ўртасидаги зиддият (коллизия) мавжуд. Бу ҳар иккала қонуннинг ишлаб чиқилишида бошқа-бошқа маҳкамалар ва уларнинг мутахассислари етакчи роль ўйнаганлиги ва ҳар бири қонунларда ўз маҳкамавий манфаатлари устиворлигини мустаҳкамлаб қўйишга интилганлигидан яққол далолат беради.

Ҳуқуқий ислоҳотда изчиллик ва уйғунликни таъминлашда умумий таъсир кучига эга асосий қоидаларни белгиловчи кодекслар билан айрим соҳаларни тартибга солувчи «хусусий» қонунлар ўртасидаги нисбат ва мазмунан мувозанатни тўғри белгилаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу тенг ҳуқуқий субъектлар ўртасидаги мулкий ва номулкий муносабатларни тартибга солувчи Фуқаролик Кодекси билан мулкий муносабатларнинг айрим соҳаларини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ўртасида узвий боғланиш, мантиқий мувофиқлик ва мазмуний яхлитликни таъминлашга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

**Омон ОҚЙЎЛОВ,**
**ҳуқуқ фанлари номзоди.**

---

*• Аҳволинг қалай, фермер?*

# ЯХШИ НИЯТ АМАЛГА ОШАДИ



***Бундан тўрт йил аввал Новхос қишлоғида Машариф Қаландаров фермер бўлармиш, деган гап тарқалди. Биров ёши элликдан ошди, тажрибаси етарли, эплаб кетади деса, яна бирови елка қисиб қўярди. Дарвоқе, фермер номини олиш унга осон бўлмади.***

У пайтда фермер бўламан деганлар бармоқ билан санарли, янгиликка тўсиқ бўладиган раҳбарлар эса етарли эди. 1990 йили анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Фермер хўжалиги учун ер олиш, маблағ, омухта ем масалаларини ҳал этиш осон бўлмади. Ўзи иқтисодчи эмасми, дастлаб бор имкониятларини, сарф-харажатларни хомчўт қилди. Бир-биридан серғайрат, билимли ўғиллари, келинлари ўзига мустаҳкам таянч бўла олишини хаёлидан ўтказиб, таваккал билан эмас, қатъий ишонч билан иш бошлади. Ўз маблағини жамлаб, давлатдан яна 35 минг сўм ссуда олди. Шу тариқа «Наврўз» фермер хўжалиги ташкил топди. Йил охирига бориб 8 тонна сут, 3 тонна гўшт етиштириб давлатга сотди. Бу билан фермерлар фақат ўз манфаатларини кўзлашяпти, бойлик орттиришмоқчи, деб гап-сўз тарқатиб юрган баъзи бировларни уялтириб қўйди.

Кейинги йили фермер моллар сонини 30 бошга етказди. Гўшт, сут етиштириш режаларини бажарди. 1992 йили эса сут сотиш 52 тоннага, гўшт 10 тоннага етди.

Фермер хўжалигининг муваффақиятлари йилдан-йилга ортиб бораверди. Катта йиғинларда номи тилга олинадиган бўлди. Қишлоқнинг биринчи фермерига эргашадиганлар ҳам кўпайди. Ҳозир унинг ўнлаб издошлари бор. У бу ютуқларга тежамкорлиги, оқилона иш юритиши, даромаддан ўринли фойдаланиши туфайли эришди.

Ўтган йили ихтиёрига берилган 15 гектар майдоннинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш мақсадида 3,5 гектарга оқжўхори, 5 гектарга шоли, 3 гектарга пахта экишди. 3,5 гектар майдонда эса беда парвариш қилинди. Асосий ишлар техника зиммасига юклатилди. Кузга бориб, шолидан 90 центнердан, пахтадан эса 41 центнердан ҳосил олинди. Бедазордан 48 тонна беда ғарамланди. Оқжўхори поясидан 210 тонна озуқа тайёрланди. Шолипоядан чиққан сомон ҳам молларга озуқа бўлди. Шартнома асосида етиштирилган пахта ҳосили ҳисобига ҳалигача омухта ем олинаяпти.

Ердан тўғри фойдаланиш натижасида қорамоллар туёғи ҳам, маҳсулот етиштириш ҳам кўпайди. Қорамоллар 60 бошга етди. 52 тонна сут, 12 тонна гўшт етиштирилиб, давлатга сотилди. Олинган даромад фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтиришга сарфланди. 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона қад ростлади, 200 тонна омухта ем сиғадиган омбор ҳам қурилди. Чорвадорлар учун махсус хоналар ҳам бор. Хўжаликка 2 километр масофадан сув қувурлари тортилди. Қўралар ва молхонага электр чироқлари ўрнатилди.

Буларга озмунча маблағ кетадими? Қурилиш ташкилотлари бу ишларни 1 миллион сўмга баҳолашган. Лекин Машариф ака буларга 300 минг сўмгина сарфлади. Қандай қилиб? Қаловини топса бўларкан. Биноларнинг деворлари ғишт ўрнига лойдан — пахса билан тикланди. Томини ёпишда ёғоч-тахта ўрнига металл ашёлар ишлатилди. Ёғоч-тахта анқонинг уруғи бўлган Хоразмда металл топиш осонми? Бу борада унга қорақалпоғистонлик ва туркманистонлик биродарлари беғараз ёрдам беришди.

Фермернинг бу йилги режалари катта. Наслдор қўйлар сотиб олиб, қўйчиликка асос солмоқчи, имкониятига яраша паранда боқмоқчи. Ҳозир унинг 50 қути асалариси бор. Асал етиштиришни кўпайтиришни мўлжал қилган. Хуллас, эл дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшадиган ниятлари ҳали кўп.

**О. РАҲИМОВ,**
**Ж. ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Хонқа тумани, А. Навоий номли жамоа хўжалиги.**

***СУРАТЛАРДА: 1. (юқорида, чапдан) фермернинг ўғиллари Ҳамиджон ва Исломжонлар. 2. «Наврўз» фермер хўжалиги раҳбари Машариф Қаландаров. 3. Фермернинг туркманистонлик чорвадор дўсти Жумабой Ражабов. 4. Чорвадорлар: 71 ёшли Солай бобо Машарипов ва Баҳодир Қаландаров. 5. (пастдан ўртада) чорвадор Полвонбой Сафоев. 6. Фермер хўжалиги ҳаётидан лавҳалар.***

**Ш. ИБРОҲИМОВ**
**олган суратлар.**

